

## ЎТМИШДАН САДО: МУЗЕЙ ЭКСПОНАТИГА АЙЛАНГАН ДАЗМОЛЛАР

*Азиза Мадалиева*

*Наманган вилоят тарихи ва  
маданият давлат музейи  
Табиат бўлими мудири*

Бугун биз биргина тугмани босиш орқали кийимларимизни бир дақиқада идеал кўринишга келтирамиз. Аммо бу қулайлик ортида минг йиллик заҳматли меҳнат ва инсониятнинг ақл бовар қилмас ихтиролари ётибди. Қадимда ичига тирик чўғ солинган оғир чўян қурилмалар, портлаш хавфи бўлган газли мосламалар ва ҳатто императорлар учун ясалган олтин чўмичлар рўзгорнинг энг муҳим буюми бўлган.

Музей экспонатлари орасидаги бундай буюмлар нафақат давр нафасини, балки ўша замон одамларининг кундалик ҳаёти, маданияти ва ижтимоий мавқеини ҳам ўзида акс эттиради. Кечагина ҳар бир хонадоннинг рамзи бўлган, уй тўрида асралган чўғли ва чўян дазмоллар бугун тарих саҳифаларига кўчиб, ноёб коллекциялар таркибига кирди. Ушбу мақоламизда жаҳон ва юртимиз музейларида сақланаётган, оддий маиший буюмдан чинакам тарих кўзгусига айланган антиқа дазмолларнинг босиб ўтган эволюцион йўли ва уларнинг ортига яширинган қизиқарли қисматлари ҳақида сўз юритамиз.

Бугун инсон гўзаллиги, асосан ташқи кўриниши бўйича янги урфлар, услублар, модалар “мода” бўляпти. Кеча кийган энг замонавий либосингиз бугун “модадан” қоляпти. Аслида эса қадди-қоматингизга мос тушган, ташқи кўринишингизни кўркем кўрсатган ва асосийси сизга ярашган кийим - сиз учун сўнгги мода ҳисобланади ва бу фикрни кўпчилик маъқуллайди.

Неча йил аввал ишлаб чиқарилган бўлмасин, сизга ярашган, нарҳи қанчалигидан қатъий-назар эгнингизда чиройли турган кийимни кийишдан асло уялманг. Аммо бунинг учун ўша либосингизни ораста, тоза тутинг, силлиқлаб дазмолланг. Кийимнинг чиройли кўринишида у эски ёки янгилигидан қатъий назар, силлиқлиги, текислиги, дазмол босилгани муҳим аҳамиятга эга.

Мавзуимиз кийим ҳақида эмас. Балки, эгнимиздаги либосни чиройли кўрсатувчи ускуна – дазмол ҳақида сўз юритмоқчимиз. Бугун дазмолнинг турфа ҳиллари, автоматлаштирилган, турли дастурларда ишлайдиган, ўзи сув пурқаб, ўзи “маслаҳат берадиган” каби биз хали билмаган замонавийлари ишлаб чиқарилмоқда. Дазмол – газлама, кийим-кечак, турли матолар ва иссиқлик ишлови бериш орқали қиздириб силлиқлаш мумкин бўлган маҳсулотларни текисловчи асбоб сифатида XI асрда Ўрта Осиёда ихтиро қилинган.

Бугун кундалик ҳаётда ишлатиладиган дазмоллар асосан метал асос, қопқоқ, қиздирувчи спирал, термостат, сув пуркагич ва ушлагич банддан иборатдир. Тикувчилик фабрикаларида дазмолнинг оғирроқ турлари ва дазмоллаш прессларидан фойдаланилади. Бу дазмоллар электр қуввати билан ишлайди.

Кийим ва матолардаги ғижимларни текислаш учун мўлжалланган, рўзғорда энг кўп ишлатиладиган маиший техника қурилмасидир. У матога иссиқлик ва босим бериш орқали унинг кўринишини тартибга солади.

Тарихчилар дазмолнинг минг йил аввал Ўрта Осиё ҳудудида яратилгани ҳақида бир тўхтамга келишган. Сувоқчиларнинг андавасига ўхшаш бу асбобни олов, чўғ ёрдамида қиздириб, кийимларнинг чокларига, қалин жойларига бостириб текислашган, сиртини силлиқлашгани маълум.

Қадимда одамлар кийимларни текислаш учун қизитилган тошлар ёки ичига чўғ солинадиган оғир металл қолиплардан фойдаланишган. Биринчи электр дазмол 1882 йилда америкалик ихтирочи Генри Сили томонидан яратилган ва бу рўзғор ишларини сезиларли даражада осонлаштирган.

Олов, чўғ ёрдамида қиздирилгани учун бу асбобни “Ўт юк” деб аташган. Тилшуносларнинг фикрича, айнан “Ўт юк” атамасидан рус тилидаги “Утюг” сўзи пайдо бўлган.

Наманган вилоят тарихи ва маданият давлат музейида қадимги дазмолларнинг бир нечтаси сақланади. Улардан бири (суратда) буғли чўян дазмолдир. “4612” инвентар рақами билан сақланаётган бу усқунанинг бўйи 20 см, эни 20,5 см бўлиб, 1972 йилда Агаликова Патишахон томонидан музейга тақдим қилинган. Дазмолнинг асоси учбурчак шаклида, чўяндан тайёрланганлиги учун оғир. Ичига чўғ солиб фойдаланишга мўлжалланганлиги сабабли уни очиб, ёпиш мумкин. Банди ёғочдан, ост қисмига (қўл куймаслиги учун) иссиқдан сақловчи мослама қўйилган. Орқа тарафида кичик тешиги бор, қопқоғига тутун чиқиб кетиши учун махсус қувурча ўрнатилган. Айни пайтда занглаган. Дазмол чор Россияси даврида заводда тайёрланиб, Ўзбекистонга савдо йўллари орқали кириб келган. Ўша даврда аҳолининг бой қатлами томонидан фойдаланилган.

Музейларда сақланадиган энг ноёб ва антиқа дазмоллар дунё бўйлаб коллекционерлар ва тарих ишқибозларининг диққат марказида туради. Дунёда ҳатто фақат дазмолларга бағишланган махсус музейлар ҳам мавжуд (масалан, Россия, Германия ва АҚШда)

Хитойнинг олтин чўмич-дазмоллари: Қадимги Хитой императорлари саройида ишлатилган бўлиб, улар бронза ёки жад (нефрит) тошидан ясалган, тутқичлари эса суяк ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Улар шунчаки буюм эмас, санъат асари бўлган.

Фаберже услубидаги спиртли дазмоллар: XIX аср охирида Европа аслзодалари учун махсус ясалган. Спирт билан қизийдиган бу дазмолларнинг баъзи моделлари кумуш ва олтин суви юритилган нақшлар билан безатилган.

Дазмол қадимда қандай аталганидан қатъий назар бугун либосимизни чиройли, бежирим кўрсатадиган, уй бекалари ва тикувчиларнинг яқин ёрдамчиси, маиший ускуна сифатида кундалик ҳаётимизда ўз ўрнига эга.

#### **Фойдаланилган адабиётлар.**

Абдуллаев, Т. XIX–XX аср бошларида Марказий Осиё маиший маданияти ва этнографияси. — Тошкент: Фан, 2004. (Юртимиз ҳудудида қадимда кийимларни силлиқлаш ва текислашда ишлатилган жўва ҳамда рубеллар тавсифи учун).

Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. «Дазмол» ва «Этнография» мақолалари. — Тошкент: Давлат илмий нашриёти, 2000-2005.